

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Та с д и қ л а й м а н”  
Гулистон давлат университети  
Ўқув ишлари проректори \_\_\_\_\_ Н. Баракаев  
“-----” \_\_\_\_\_ 2017 йил**

**“Немис тили” фанининг ишчи ўқув дастури  
(II-курс)**

Таълим соҳаси: Бакалавриат

Таълим йўналиши: Барча таълим йўналишлари 2 – босқич талабалари учун

Умумий ўқув соати: 116

Шу жумладан: Маъруза \_\_\_\_\_

Амалий машғулотлари-72

Мустақил таълим соатлари-44

Гулистон-2017

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:** “Факультетларо чет тиллар” кафедраси катта ўқитувчisi  
Ф.Мухаммедова

**Тақризчи:** Инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н. X. Тожиев \_\_\_\_\_  
(имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Факультетларо чет тиллар” кафедрасининг 2017 йил “24” август санасидаги 1-сон қарори билан кўриб чиқилиб, Филология факультети илмий Кенгашига муҳокама қилиш учун тавсия қилинди.

**Кафедра мудири \_\_\_\_\_ А.Позилов.**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Филология факультети илмий Кенгашининг “25” август 2017 йил 1-сонли қарори билан тасдиқланди.

**Факультет илмий Кенгаши раиси: \_\_\_\_\_ катта ўқитувчи Э.Хамдамов.**

“Немис тили” фанининг ишчи ўқув дастури Гул ДУ ўқув методик кенгашининг “26” август 2017 йил 1-сонли мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

**Келишилди:**

**Ўқув ишлари бўйича проректор \_\_\_\_\_ Н.Р.Баракаев.**

## К И Р И Ш

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” тўғрисидаги 124-сонли қарорлари ҳамда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) га мувофиқ қайта ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” га кўра олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўрганган чет тили бўйича B2 даражани эгаллашлари лозим.

“Чет тили” фанидан тузилган ушбу дастур асосида чет тили ўқитувчилари ихтисослик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи дастур, ўкув-методик мажмуалар ва ўкув қўлланмаларни ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу дастур “Чет тили” фанини икки босқичга бўлинган ҳолда ўқитишни назарда тутади:

- **умумий босқич** (умумий чет тили ўрганилади).
- **касбга йўналтирилган босқич** (чет тили маҳсус мақсадларда ўргатилади).

Ҳар бир курс учун ажратилган ўкув соатлари тенг, яъни 50%дан тақсимланади. Курслар бир-биридан мавзуси, лексик тизими, ўкув матнлари, нутқ фаолиятлари хусусияти ва мавқеига қараб малакаларни ривожлантириш бўйича фарқлансада, ўкув жараёни учун умумий бўлган грамматик мавзулар, ўхшаш синтактик ходисалар, нутқ кўникма ва малакаларини эгаллашда ўзаро узвий боғлиқ ва узлуксиз ҳолда ўргатилади. Чет тилини ўргатиш ихтисослик хусусиятларидан келиб чиқиб, “Чет тили маҳсус мақсадлар учун” тамойилларига ва коммуникатив, интегратив компетентлик ёндашувларига асосланади.

**Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув** - таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, таълим жараёнида билиш фаоллигини оширишга қўмаклашади. Таълим жараёнида мазкур ёндашув талабаларда рефлексия, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён этишга қўмаклашади; чет тили таълимини маданиятлараро мулоқот сифатида ташкил этишга; дарс жараёнида ўқитувчи талабаларнинг ўзаро тенг ҳукуқли иштирокчи сифатида ўзини намоён этишларини таъминлайди; таълимнинг интерактив шаклларини қўллаш; талабаларда янги тил малакалари, социо-маданий билимлар, амалий малакавий кўникмаларни мустақил эгаллашни ривожлантириши.

**Шахсга йўналтирилган ёндашув** - чет тилини ўқитишда нафақат илмий билимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар) муносабатларининг фаол шаклларига асосланиш; талаба характеристи ва унинг ўзини ривожлантириш усусларини ўрганиш; индивидуалликни шакллантириш учун талабага кулагай шарт-шароитлар яратиш; маданиятимизда шаклланган шахснинг психик ривожлантириш меъёрлари ҳақидаги тасаввурларни ўзgartириш (горизантал эмас, балки вертикаль, яъни талаба ривожланиш динамикасини унинг олдинги ҳолати билан таққослаш орқали амалга оширишни, бошқалар билан эмас, балки уни ўзи билан таққослаш).

**Интегратив ёндашув** – турли фанлардан олинган билимлар, кўникма, малака ва тажрибани ҳисобга олиш, таяниш, интеграция қилиш, чет тилида коммуникатив, касбий коммуникатив, ижтимоий компетентликни баравар ривожлантириши назарда тутади.

**Таълимда компетентлик ёндашув** - муайян натижаларга эришиш ва муҳим компетенцияларни эгаллашга қаратилади. Компетенция бўлажак касбий фаолиятга қараб шаклланиб боради. Бундай шароитда таълим жараёни янги мазмунга эга бўлади, у ўрганиш ва ўргатиш жараёнига айланади, яъни касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга компетентликни мустақил ўқиб ўрганиш, ижтимоий-мехнат, маданий, майший ҳамда маданий хордик соҳаларда чет тилини кўллашга эришилади.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

Чет тили фанининг мақсади талабаларнинг кўп маданиятли дунёда касбий, илмий ва майший соҳаларда фаолият юритишларида коммуникатив компетенция (унинг тарқибий қисмлари

ҳисобланувчи лингвистик, социо-лингвистик, прагматик ва бошқа компетенциялари)ни шакллантиришдан иборат.

**Компетенция** – коммуникация (муроқот) иштирокчилари томонидан таълимнинг аниқ мақсадларига қаратилган нутқ фаолиятини ривожлантиришга имкон берадиган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди.

**Чет тили коммуникатив компетенцияси** – ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчилар билан муроқот қилишни амалга ошириш қобилияти ва тайёргарлиги, шунингдек, талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан танишиш, ўз мамлакати маданиятини янада яхшироқ англаш, уни муроқот жараёнида тақдим эта олишини назарда тутади. Мазкур ўқув фанини ўрганишнинг асосий вазифаларига талабаларда қуидаги компетенцияларни ривожлантириш киради:

**Лингвистик компетенция** ўрганилаётган тил соҳиблари билан муроқот қилиш учун тил материаллари (фонетика, лексика, грамматика)ни етарли даражада билиш ва нутқ фаолияти турлари (тинглаб-тушуниши, гапириши, ўқии ва ёзув)да кўллай билишни назарда тутади.

**Ижтимоий-лингвистик компетенция** сўзловчининг бирон бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиқсан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

**Ижтимоий-маданий компетенция** аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш компетенциясидир.

**Ижтимоий компетенция - ижтимоий-лингвистик ва социо-маданий компетенцияларни ўз ичига олади.** У ҳозирги кўп маданиятли дунёда таълим олувчиларда чет тилини ўрганиш муҳимлиги тушунчаси, чет тилида муроқот қилиш, ўз устида мустақил ишлаш ва ижтимоий мослашув воситаси сифатида фойдаланиш эҳтиёжини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролик, ватанпарварлик фазилатларини тарбиялашда, чет тили орқали маданиятлараро муроқотни амалга ошириш истаги ва хоҳишида намоён бўлади.

**Прагматик компетенция** қуидагилардан иборат:

**Дискурсив компетенция** (дискурс – оғзаки ёки ёзма нутқ матни) матнни тўғри талқин қилиш ва тузиш, шунингдек, шунга мос нутқий муроқот турини танлаш учун оғзаки ва ёзма (стилистик ҳамда таркибий қисмларини билиб олишини назарда тутган) матнлар тузиш кўникма ва малакаларидан иборат.

**Стратегик (компенсатор) компетенция** чет тили муҳитида нутқий ҳамда ижтимоий муроқот тажрибасидаги камчилик ва нуқсонларни айрим вербал/новербал воситалар ёрдамида тўлдириш, коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда тақороран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан уддабуронлик билан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутади.

**Ўқув - билиши компетенцияси** таълим олувчининг мустақил билим олиш фаолиятида чет тиллар ва маданиятларни ўрганишнинг компетенциялар йиғиндиси бўлиб, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мантиқий, методологик ва умумтаълим вазифаларни ўз ичига олади.

Чет тилини ўқитиши дидактик, методик, лингвистик тамойилларни ҳамда замонавий таълим технологияларини қўллаш асосида амалга оширилади.

**Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”да олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўргангандан чет тили бўйича В2 даражани эгаллашлари шарт. Унга кўра битирувчи талабалар В2 даражани таъминловчи қуидаги коммуникатив компетенцияларни эгаллашлари лозим.

**Лингвистик компетенция:**

**Тинглаб тушуниши**

- ✓ узоқ давом этган сухбат ва мураккаб далиллар келтирилган матнни тушуниш ва идрок этиш;
- ✓ маъруза, сухбат, мукаммал йўрикномалар, академик ва касбий презентациялар, савол-жавоблар асосий мазмунини тушуна олиш;
- ✓ реклама, эълон ва маълумотномаларни тушуниш;
- ✓ мураккаб аутентик нутқни таниш ва нотаниш контекстда тушуна олиш;

- ✓ тил сохиблари сұхбатлари ва баҳс- мунозараларини тушуна олиш;
- ✓ радио ва интернет материаллари, интервьюларни (сұхбат) түлиқ даражада тушуна олиш.

## **Гапириш**

### **Диалог**

- бизнесдаги ҳамкори билан музокара олиб бориш;
- аниқ масалалар бүйича ахборот олиш;
- узоқ муддатлы музокараларда тил сохиби билан қатнашиш, уларни қўллаб-қувватлаш, керак бўлса музокараларни бошқариш;
- кундалик мавзуларда баҳс-мунозара, музокараларда фаол қатнашиш;
- ихтисослик (касб) бүйича интервью, сұхбатларда қатнашиш;
- фикрни аниқлаштириш, қайтадан тузиш ва баҳс- мунозара ривожига ўз хиссасини қўшиш;
- музокаралар олиб бориш жараёнида муаммоларни ечимини усталик билан ҳал этиш;
- вазиятга қараб саволлар бериш ва жавоб қайтариш.

### **Монолог**

- алоҳида мавзу бүйича қилинган презентациялар ўтказиш;
- ихтисослиги бүйича асбоб-ускуналарни аниқ ва равшан тасвирилаш;
- алоҳида мавзу бүйича оғзаки маъруза тузиш;
- мақола, маъруза, баҳс-мунозараларни аниқ ва равшан қилиб умумлаштириш;
- аниқ тизимга асосланган ҳолда қўшимча, етарли бўлган ҳолда ва таниш мавзу бүйича ўз фикрини ифода қила олиш.

### **Ўқиши**

- таниш ва нотаниш мавзу бүйича тузилган матнлардан асосий / керакли бўлган ахборотни, шахсий ва мутахассислик бүйича корреспонденцияларни (хат-хабарларни) тушуниш;
- диаграмма, схема, чизмаларни қисқача таърифини тушуниш;
- мураккаб бўлган маълумотларни идрок этиш;
- маҳсус, мураккаб бўлган ёзма йўрикнома ва қўлланмаларни тушуниш;
- касбга оид мақола ва маърузалардан керакли ахборотни ажратиб олиш;
- керак ёки нокераклигини аниқлаш мақсадида матнни у ёки бу қисмини синчиклаб ўқиши, конференция дастурларини ўқиб тушуниш.

### **Ёзув.**

- маҳсус маълумотларни (тил юзасидан бўлган хатларни, маълумотларни, электрон хатларни) ёза олиш;
- эссе ва маърузаларни ёза олиш;
- аниқ мантиққа эга бўлган илмий мақолалар ва илмий тадқиқот ишларни ёза олиш;
- ёзма таклифлар, ҳисобот ва резюмелар туга олиш;
- битирув малакавий ишларни зарур бўлганда ёза олиш.

### **Тил компетенцияси**

#### **Лексик компетенция**

- касбий лексика ва терминларни ишлата олиш;
- коммуникатив вазиятларда мавзуга оид бўлган лексикани ишлата олиш;
- интернационал сўзларни тушуниш ва қўллай олиш.

#### **Грамматик компетенция**

- мураккаб грамматик ва синтактик қурилмаларни коммуникатив вазиятларда қўллай олиш;
- боғловчи сўзларни тўғри қўллаш;
- мутахассисликка оид матнларни унинг мазмунини тушуниш мақсадида матнни таҳлил қилиши талаб этилади..

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Чет тили фани ижтимоий-иктисодий фанлар ва ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ. Ушбу фан бошқа фанлар билан интеграллашган ҳолда ўргатилади.

#### **Фаннинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Чет тили фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Талабалар мазкур фандан ўргангандан бошқа ихтисослик фанларини ўзлаштиришда (соҳага оид маълумотларни чет тилида излаб топиш, таҳлил қилиш ва билим олиш жараёнида фойдаланиш ), келгусидаги касбий фоалиятларида фойдаланишлари мумкин.

#### **Фанни ўқитиша замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Чет тили” фанинү ўқитишида таълимнинг куйидаги илғор ва замонавий технология ва методларидан фойдаланилади:

- педагогик маҳорат технологияси (Ю.Н.Кулюткин, Е.Б.Спасская);
- билимдонлар баҳси;
- мавқеингизни эгалланг – шиорлар асосидаги баҳс;
- таълимнинг фаол услублари: “Кейс-услуби” (Гарвард университети бизнес мактаби), ишбоп ўйинлар.

#### **Ижодий топшириқларни гурӯҳ билан ҳал қилиш услубларидан:**

- **дельфи услуги** – таклиф қилинган ечимдан статистик услуг асосида беш камчиликни аниқлаш ва улардан энг яхисини танлаб, баҳолаш, камчиликлар сабабини аниқлаш;
- **кора қути услуги** – масалани таҳлил қилиш, ижодий баҳс орқали камчиликлар сабабини аниқлаш;
- **кундаликлар услуги** – гурӯҳ аъзоларининг ён дафтарчаларидаги ёзувларни таҳлили ва уларда берилган таклиф-мулоҳазаларни муҳокама қилиш, умумий фиқр ишлаб чиқиш;
- **“Тўғридан-тўғри жамоавий ақлий ҳужум”** (Дж.Дональд Филлипс) – 20-60 кишилик катта аудиторияда янги фикрларни, самарадорликни ошириш иш ёки машқ минигурӯхларда олиб борилади ва фикрлар жамоада муҳокама қилинади;
- **“Ақлий ҳужум”** – (Е.А.Александров и Г.Я.Буш) – гурӯҳ қатнашчилари ижодий ғояларини жамоа, ғоялари билан қарши ғоялар ёрдамида фаоллаштириш, уларни қўллашни баҳолаш;
- **сенектика услуги** (У.Гордон) – муаммони ифодалашга ўргатиш, унинг қисмларини аниқлаш, муаммони ечишдаги ўхшашликларни топиш. Креативликни ўстириш, оддий ҳодисаларнинг ғайри-табиий томонларини топиш, ижодий қобилияtlарини аниқлаш;
- **«АРИЗ – ТРИЗ»** (Г.С.Альтшуллер ва унинг мактаби, ТРИЗ - қашфиёт топшириклари технологияларини ривожлантириш) – ўрганилаётган тизим ривожланиши қонуниятларига бўйсундирилган мантиқий операциялар тизими 40 усулдан иборат: “қўшилиш”, “матрёшка”, “қарама-қарши”, “зарарни фойдага айлантириш” ва бошқалар.

#### **АСОСИЙ ҚИСМ**

##### **Нутқ мавзулари:**

**Кундалик мавзу** (ўзи ҳақида, оиласи ҳақида, бўш вақтни ўтказиши ва ҳоказо).

**Ижтимоий мавзу** (атроф-муҳит, майший ва касбий йўналишда ижтимоий муносабат).

**Таълим мавзуси** (ўқув муассасаси, ўқув қуроллари ва унга муносабат, ихтисослик фанларининг ҳозирда ўқитилиши ва ҳоказо)

**Ижтимоий маданий** (Ўзбекистон Республикаси ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий, географик, иқлимиy, маданий, майший хусусиятлари).

**Касбга йўналтирилган мавзу** (ўрганилаётган ихтисослик тарихи, йўналишлари, соҳанинг буюк намоёндалари, долзарб муаммолари, касбий этика ва ҳоказо).

#### **Умумий босқич**

##### **Нутқ компетенцияси**

Босқичнинг асосий мақсади:

- узлуксиз таълим тизимининг аввалги босқичлари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари)да талабалар хорижий тилда эгаллаган малака ва кўникмаларини коррекция қилиш ва тенглаштириш;
- талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулокотга тайёрлашдан иборат;

##### **Тинглаб тушуниш:**

- ✓ маъруза, тақдимот ва мунозаралар, радио ва телевидение эшиттиришлари, янгиликлар, интервьюлар, ҳужжатли фильм ва шу каби оғзаки матнлар;
- ✓ реклама ва эълонлар;
- ✓ тил соҳиблари нутқ ёзувлари (бадиий, ҳужжатли фильмлар, оммавий чиқиш ва ҳоказо);
- ✓ тил соҳибларининг ижтимоий мавзулардаги ўзаро сухбати;
- ✓ тингланган ахборотнинг асосий мақсади, тўлиқ мазмунини тинглаб тушуниш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

##### **Гапириши:**

##### **Диалог нутқ**

- ✓ ижтимоий мавзуларда сухбат ва норасмий диалог;
- ✓ касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар;
- ✓ мунозарани бошқариш, интервью, музокаралар ва телефон орқали мулокот олиб бориш.

##### **Монолог нутқ**

- ✓ ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўқиши;
- ✓ мунозара, далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш;
- ✓ реклама ва маҳсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чиқиш қилиш;
- ✓ маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, муҳокама қилиш.

### **Ўқишиш**

- ✓ танишув ўқиши, кўз югуртириб ўқиши ва синчиклаб ўқиши кўнікма ва малакаларини ривожлантириш;
- ✓ хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиши;
- ✓ маҳсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиши;
- ✓ маҳсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқиши.

### **Ёзма нутқ**

- ✓ турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва маҳсус докладлар (эслатма CVs ва хоказо) ёзиши;
- ✓ эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (мақолалар, битирув малакавий ишлар) ёзиши.

### **Касбга йўналтирилган босқич**

Касбга йўналтирилган босқичнинг асосий мақсади:

- нутқ турлари бўйича касбий соҳада чет тилини амалий эгаллаш;
- талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;
- соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ва кўнікмаларини ривожлантириш;

### **Тинглаб тушуниш:**

- ✓ касбга йўналтирилган аутентик материалларни бир марта эшишиб асосий мазмунини тушуниш ва зарур ахборотни олиш;
- ✓ кундалик воқеалар ҳақида янгиликлар, репортажларни тушуниш, фильм қаҳрамонлари нутқини тушуниш.

### **Гапириши:**

#### **Диалогик нутқ**

- тил соҳиблари билан эркин мулоқотда бўлиш ва касбий мавзулара ўз фикр ва мулоҳазаларини исботлаб бериш;
- сұхбатни бошлиш ва тугатишни билиш, сұхбатдошига таклиф ва маслаҳат бериш, саволларига жавоб бериш, ахборот алмашиш, муҳокама қилинаётган далилларни аниқлаштириш, ўқиган ёки эшитгандарини муҳокама қилиш;
- матн асосий мазмунини ифодаловчи лексик ва синтактик қурилмаларга асосланиб гапириб бериш;
- ассоциатив тафаккурга асосланиб мулоҳаза, танқид, баҳолаш далиллар билан исботлаш орқали ўз нутқини тузиш;
- риторик характерга эга диалог нутқ малакаларини тақомиллаштириш;
- касбий мулоқотлар, конференция, симпозиум, учрашув ва мунозараларда қатнашиш учун нутқ фаолияти, кўнікма ва малакаларини тақомиллаштириш.

### **Монологик нутқ:**

- долзарб муаммо юзасида барча “Тарафдор” ва “Қарши” далилларни келтирган ҳолда ўз фикрини баён қилиш;
- тинглаган ва ўқиган матн мазмунини гапириш;
- мазмунга баҳо бериш;
- ўрганилган мавзулар бўйича ахборот бериш
- ўқиган матнни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;
- ўқиган ёки тинглаган матнни қисқача мазмунини баён этиш;
- ўрганилган мавзуда чиқиш қилиш;
- ижтимоий –сиёсий матнларни ўқиб шарҳлаб бериш.

### **Ўқишиш:**

#### **Танишув ўқиши**

- ✓ матнни лугатсиз, берилган савол ёки умумий мазмунини тушуниш мақсадида ўқиши;
- ✓ матн: 10 % гача нотаниш сўз бўлган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маҳсус бадиий матнлар;
- ✓ матн мазмунини чет тилида ёки она тилида сўзлаб бериш, параграфларни номлаш, тест топшириш.

### **Синчиклаб (ўрганиб) ўқишиш**

- ✓ матнни асосий ахборотни ажратиб олган ҳолда мазмунини тўлиқ ва аниқ тушуниб ўқиши.

### **Ўқиши тезлиги, хажми:**

- ✓ лугатдан фойдаланиб 1600 босма белгили матнни 1,0 академик соатда ўқиши.
- ✓ матн: махсус, илмий оммабоп 12% гача нотаниш сўзга эга бўлади.

### **Кўз юргутириб ўқиши:**

- матн мазмунни хусусиятларини аниқлаш;
- зарур ахборотни матндан топиш;
- сўз (матн) маъно мазмунини контекст асосида фаҳмлаб олиш;
- матндаги бирламчи (асосий) иккинчи даражали ахборотни ажратиш;
- матн калит сўзларини ажратади;
- матн қисмларига сарлавҳа қўйиш.

### **Ёзма нутқ**

#### **Ёзма нутқ бўйича:**

- касбга йўналтирилган босқичда шаклланган малакаларни такомиллаштириш;
- реферат, аннотация ёзиш техникасини такомиллаштириш;
- хужжатларни расмийлаштиришни билиш (тузилиши, услуги, хужжат тили) ва у асосида хужжатларни намунага караб, схемага кўра, клише ва фразаларни қўллаб, ахборотни ҳисобга олиб, иш юритиш вазиятлари талабларига мос равишда расмийлаштириш;
- берилган мавзууда баён, эссе, резюме тузиш, соҳага оид адабиётлар бўйича реферат ёзиш.

### **Лингвистик компетенция**

Лексик компетенция чет тилида кенг қўлланиладиган рецептив ва репродуктив актив, пассив, потенциал сўз бойлигини оширишга каратилган бўлиб, унинг таркиби турғун сўз бирикмалари, нутқ намуналари, клише ва касбий терминлар киради. Мазкур лексик минимум тили ўрганилётган мамлакат маданиятини ифодалайди.

Ихтисослик бўйича лексик минимум методик принциплар - кўп маънолилик, тематик, сўз ясаш хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилларига кўра касбга йўналтирилган чет тили таълими асосида танлаб олинади. Санаб ўтилган тамойилларга кўра лексик минимум 2 турдан иборат:

- а) умумтаълимий;
- б) касбий лексика

Куйидаги жадвалда таклиф этилаётган лексик минимум курслар бўйича тақсимлаб берилган:

Курс	Умумтаълимий минимум		Касбий лексика	Жами
	Актив*	Пассив**		
1	350	700	100	800
2	350	500	150	800
3	150	500	200	700
4	150	500	200	700
Жами	1000	2200	650	3000

\* Минимумда олдинги босқичда ўрганилган лексика сони кўрсатилмаган.

\*\* Пассив лексикага актив лексика ҳам киради.

### **Грамматик компетенция НЕМИС ТИЛИ**

#### **Актив ғрамматик минимум**

- дарак, сўроқ, инкор шаклдаги феъл ва от-кесимли содда гапларнинг қўлланилиши;
- буйруқ майли, инкор шаклининг қўлланилиши;
- аниқ, ноаниқ артиклларнинг қўлланилиши;
- модал феълларнинг қўлланилиши;
- феълнинг шахсиз шакллари;
- мажхул нисбатнинг қўлланилиши.

#### **Пассив ғрамматик минимум**

- und, aber, den, oder боғловчилари билан боғланувчи қўшма гаплар.
- dass, ob, wenn, wer, wie, was, woran боғловчили эргашган қўшма гаплар.
- мажхул нисбатнинг ясалиши;
- шарт майлиниң ясалиши.

Умумтаълим ва касбга йўналтирилган босқичларда социолингвистик (ижтимоий-маданий, ижтимоий) ва прагматик (дискурсив, стратегик, ўқув-англаш) компетенцияларни эгаллаш назарда тутилади.

#### **Социолингвистик компетенция:**

- тил материаларини касбий нутқ учун ҳар босқич талабларидан ва вазиятдан келиб чиқкан ҳолда танлаш ва фойдалана олиш.

#### **Ижтимоий - маданий компетенция:**

- касбга оид муқобилсиз лексикани (сўровномалардан фойдаланган ҳолда) билиш ва тушуниш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар номларини англатувчи лексикани билиш;
- нутқ коммуникатив тартиб ва қоидаларига риоя қилган ҳолда касбий мулоқот юрита олиш.

#### **Ижтимоий компетенция:**

- ўз касбий маҳоратини, малакасини ошириш, касбдошлар ва колектив билан ишлаш, уларга нисбатан толерантлик туйғуларига эга бўлиш, бошқалар тили ва маданиятини хурмат килиш, ҳамкорлар билан ишончли алоқада бўлиш.

#### **Дискурсив компетенция:**

- турли жанрда мутахассислик бўйича аутентик дискурслар - китоб, мақола, хужжат, қонун-қоидалардан таълимнинг ушбу босқичига асосланган ҳолда касбий коммуникатив вазиятлар доирасига мос хусусиятларини ажратса олиш.

#### **Стратегик компетенция:**

- нутқни мантиқан тўғри кетма-кетлиқда ҳамда ишонарли қилиб вазифаларни тўғри қўйган ҳолда тузиш, таълимнинг ушбу босқичига хос нутқ мазмунига асосланган ҳолда касбий-коммуникатив вазиятларга мос тушадиган мақсадларга эришиш.

#### **Ўқув-билиш компетенцияси:**

- дарсда, уйда, кутубхонада мустакил ишлай олиш, турли маълумот ва ахборотни аутентик-ихтисослашган манбалардан олиш учун замонавий таълим технологияларини қўллай олиш билан касбий фаолиятни ташкил қилиш.

#### **Нутқ фаолияти турлари устида ишлаш учун вақтни тўғри тақсимлаш**

Қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳар бир дарсда нутқ фаолияти турлари қўйидаги нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқ:

тинглаб тушуниш - 25% ;

гапириш - 25%;

ўқиш – 30%;

ёзув – 20% .

#### **Талабалар билимини назорат қилиш**

Талабаларнинг чет тили бўйича эгаллаган билим, малака ва кўнималари жорий, оралиқ ва якуний назоратлар орқали назорат қилинади.

Жорий назорат: ҳар бир дарсда алоҳида талаба билан ишлаб уларнинг дарсга тайёргарлик даражаси савол-жавоб орқали текширилиб, кундалик баллар қўйиб борилади.

Оралиқ назорат: кафедранинг фан бўйича ишчи дастурига асосланган ҳолда, ҳар бир семестрга қўйилган талаблар асосида бир қанча дарслар ўтилганидан кейин ўтказилади. Натижаларни дастурда берилган талаблар билан қиёслаш орқали талабаларнинг малака ва кўнималари қанчалик ўсганлиги аниқлаб борилади.

Якуний назорат: фан бўйича бакалавриат курсининг якунида ўтказилади. Якуний назорат ўтказилиши натижасида дастур талаблари бўйича касбий чет тили компетенцияси аниқлаб олинади.

#### **Якуний назорат мазмуни**

##### **1. Тинглаб тушуниш бўйича:**

Касбга йўналтирилган матнни тинглаш ва уни тушунганлигини аниқлаш мақсадида тестлар ечиш.

##### **2. Гапириш бўйича:**

Касбга йўналтирилган мавзу бўйича батафсил, синчиклаб, аргументлар билан бойитган ҳолда ўз фикрини баён этиш.

##### **3. Ўқиш бўйича:**

Касбий йўналишдаги матнни ўқиб, тушунганлиги асосида тест топширикларини ечиш. Ўқиган матн мазмунини аниқ ва тўлиқ тушунганлигини текширишни ёзма таржима билан амалга ошириш мумкин. Бунда лугатдан фойдаланишга рухсат берилади.

**4. Ёзув бўйича:**

Соҳанинг долзарб муаммоларига бағишлиланган эссе ёзиш.

**2-курс**

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти**

	Соатлар			
	Жами	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
<b>Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни</b>				
BRD. Die Präpositionen mit dem Akkusativ und Dativ	8	-	4	4
<b>*Die Landwirtschaftswissenschaft</b>	8	--	4	4
Globale Finanz und Wirtschaftskrise, Wege und Maßnahmen zu ihrer Überwindung unter den Verhältnissen Usbekistans(	8	--	4	4
<b>*Das Gebiet Nawoi</b>	4	-	4	-
Die Exportprodukte der Republik Usbekistan	8	-	4	4
Die Ökologie.	4	--	4	-
<b>* Das Gebiet Kaschkadarya</b>	8	-	4	-
Außen-und Innenpolitik der Republik Usbekistan	8	-	4	-
Das Adjektiv	4	--	4	-
<b>* Das Gebiet Taschkent.</b>	8	-	4	4
Hochschulbildung in Usbekistan.	8	-	4	-
<b>Der Verkehr</b>	4	--	4	-
Deklination der Adjektive	8	-	4	4
<b>* Im Zoo</b>	4	-	2	2
Umweltschutz der Republik Usbekistan	8	-	4	-
<b>*Wirtschaft in Usbekistan und Deutschland</b>	2	-	2	-
Kontrollarbeit	2	-	2	-
<b>1. Zwischenkontrolle</b>				
<b>Insgesamt</b>	<b>58</b>		<b>36</b>	<b>22</b>
<b>II-semestr</b>				
Das Perfekt und das Plusquamperfekt	8	-	4	4
<b>* Beziehungen zwischen Usbekistan und Deutschland</b>	8	-	4	-
Die Hochschulen der Republik Usbekistan	4	-	4	-
Der zusammengesetzte Satz	4	-	4	-
Die deutschsprachige Länder.	8	-	4	4
<b>* Das Gebiet Fergana</b>	8	-	4	-
Text: Usbekische Feste und Bräuche	8	-	4	4
<b>* Sport und die Jugend</b>	4	-	4	-
Text: Deutsche Feste und Bräuche.	8	-	4	-
Text: J.W.Goethe	8	-	4	4
<b>*Wirtschaft in Usbekistan</b>	8	-	4	-
Sport in unserem Leben	8	-	4	4

<b>*die Sieben Weltwunder</b>				
A. Nawoi	4	-	2	2
<b>*Industrie in Usbekistan</b>				
Kontrollarbeit	2	-	2	-
<b>2.Zwischenkontrolle</b>				
<b>Abschlußkontrolle</b>				
<b>2.Semester / Insgesamt</b>	<b>58</b>		<b>36</b>	<b>22</b>
<b>Insgesamt</b>	<b>116</b>		<b>72</b>	<b>44</b>

Изоҳ: (\*) –белгиси қўйилган қатордаги мавзуу ТМИ мавзуси деб ҳисоблансин.

**“Чет тили фанидан 2- курс учун кўриладиган асосий масалалар”**  
**2-курс**

**1. Thema: BRD. Die Präpositionen mit dem Akkusativ und Dativ (4St.)**

Hörverstehen: Track No15 nemezkiy za 30dney

Leseverstehen: Text zum Thema lesen. Tatsachen/ Den Text. S. 273-274. Deutsch. G. Usmanowa.

Schreiben:

Schreiben: 1.Schreiben Selbständige Meinungen zum Thema. 2. Deklination der Substantive

Sprechen: Sprechen eigen Vorstellungen, Meinungen und Verständnis zum Thema

**2.Thema: Globale Finanz und Wirtschaftskrise, Wege und Maßnahmen zu ihrer Überwindung unter den Verhältnissen Usbekistans(4St.)**

**Globale Finanz Usbekistans**

Hören: Track 42 S. 254.

G. Usmanowa

Lesen:Text lesen

**Präpositionen mit Akkusativ und Dativ**

Die Substantive im Plural.

Schreiben: Gram: S.Saidow

Sprechen: Usbekistan

**3. Thema: Die Exportprodukte der Republik Usbekistan(4St.)**

**Die Exportprodukte der Republik Usbekistan**

Hören: S.254. G. Usmanowa

Lesen:Den Text. S. 273-274. Deutsch. G. Usmanowa

**Lexikalische Übungen**

Schreiben: lexikalische Übungen:S.255 G. Usmanowa

Sprechen:Beim Bankbeamte.

**4.Thema: Die Ökologie(4St.)**

Hören :Optimal.A.8 Titel40/ Track 43. L-11.

Lesen : Dialog:Die Exportprodukte . G.Usmanowa

**Präpositionen mit Genetiv**

Schreiben: Üb. G. Usmanowa

Sprechen: über die Okologie von Usbekistan

**5. Thema: Außen-und Innenpolitik der Republik Usbekistan.**

Hören:. L13.Unt2.Delfin.

Lesen: Text lesen. S.273 G.Usmanowa

**Lexikalische Übungen.**

Schreiben: Gram. S. Saidow

Sprechen: Dialog: Buchhaltungskonto.

**6.Thema: Das Adjektiv(4St.)**

Hören: Delfin..dorojka32

Lesen: Automatisierung der Arbeitsprozesse S.302

**Stegerungsstufen der Adjektive.**

Schreiben: 1..Das Adjektiv 2. Üb 51,52,53, 54,55,56.S.21-22. Übungen in der Deutschen Grammatik.

Sch. Komolowa

Sprechen: Bild beschreiben

**7.Thema: Text: Die Hochschulbildung in Usbekistan. (4St.)**

Hören: Delfin Lektion18 Üb5.dorojka22:.S.298.G. Usmanowa

Lesen: Text lesen und übersetzen. ( aus Internet)

**Lexikalisch-grammatische Übungen**

Schreiben :Grammatische Übungen. 1-2-3 S.119. S.Saidow

Sprechen :Sprechen über „Unsere Uni“

**8.Thema: Deklination der Adjektiv(4St.)**

**Starke und Schwache Deklination**

Hören :Vitamin DE2 Dialog

Lesen :Die Bibliothek S.144 Abdullayeva A.A.

**Gemischte Deklination der Adjektive**

Schreiben: Üb. G.USmanowa

Sprechen: über die Bibliothek.

**9.Thema: Umweltschutz der Republik Usbekistan(2St.)**

Hören: Delfin Lektion16.Üb11.dorojka9

**Umweltschutz der Republik Usbekistan**

Hören: Delfin Lektion16.

Lesen: Gasturbinentreibwerke

**Grammatische Übungen**

Schreiben: Grammatische Üb.

Sprechen: Das Bild beschreiben.

**10.Thema: Kontrollarbeit(2St.)**

Hören: Text hören

Lesen :Text lesen

Schreiben : Zusatz schreiben

Sprechen : Sprechen über das gegebenen Thema

## **Бахорги семестр**

**1. Thema: Das Perfekt und das Plusquamperfekt(4St.)**

**Das Perfekt und das Plusquamperfekt**

Hören:Track No22 Ne30dney

Lesen:S.13.Deutsch. M.Karimowa

**Grammatisch-lexische**

Schreiben: Üb.2-3. S.140 S. Saidow

Sprechen:Beschreiben das Bild

**2.Thema: Die Hochschulen der Republik Usbekistan(4St.)**

**Die Hochschulen der Republik Usbekistan**

Hören: Track 50.

Lesen:Text lesen

## **Studierende in den Hochschulen in Usbekistan**

Schreiben: eigene Meinungen

Sprechen: Dialog bilden..

### **3. Thema: Der zusammengesetzte Satz(4St.)**

#### **Der zusammengesetzte Satz**

Hören:. Text hören: Voice15

Lesen: Eine Fremdsprache. S. Toschew S. 95

#### **Satzreihe**

Schreiben: Grammatische Üb. 1-4. S.177-178.S.Saidow

Sprechen: Über die Fremdsprache

### **4.Thema: Die deutschsprachige Länder.(4St.)**

#### **Die deutschsprachigen Länder: Deu.Öster.Schweiz.**

Hören: Track 43. L-11.

Lesen: S 356. G. Usmanowa

#### **Die deutschsprachigen Länder: Liechte.Luxem**

Schreiben : Übungen

Sprechen : Deutschland, Österreich,...

### **5. Thema: Text: Usbekische Feste und Bräuche(4St.)**

Hören :Text hören: Voice17

Lesen : Text lesen(aus Internet)

#### **Lexikalische Übungen**

Schreiben : Ub.4,5,6. S.131 S.Toschew

Sprechen :Sprechen über die Feste

### **6. Thema: Text: Deutsche Feste und Bräuche.(4St.)**

Hören: Text hören:Voice18

Lesen :Text “ Feste und Bräuche im Sommer” Der Weg Nr.49 2005-2. S.13 Zeitschrift

Schreiben: Üb. 7. S. 130. S.Toschew

Sprechen :Vergleichen deutsche und usbekische Feste und Bräuche.

### **7. Thema: J.W.Goethe(4St.)**

#### **Das Leben von J.W. Goethe.**

Hören: TrackNo30 nemezkiy za 30dney

Lesen: Text lessen

#### **„Die Leiden jungen Werters“**

Schreiben: Schreiben die Texterläuterungen

Sprechen: Sprechen über Goethe

### **8.Thema: Text: Sport in unserem Leben(4St.)**

Hören. Vitamin\_DE4.Sport

Lesen Studium &Stipendium. S. 18. Vitamin. de 2008 Nr. 39 Zeitschrift.

#### **Die Leistungen von Usbekistan auf dem Grund des Sports**

Schreiben Texterleuterungen.

Sprechen Vergleichen deutsche und usbekische Jugendliche.

### **9. Thema: Text: A. Nawoi(2St.)**

#### **Das Leben und Schaffen von A. Nawoi.**

Hören :Text hören:Voice19

Lesen :Text lesen Neue Vokabeln

#### **Lexische Übungen**

Schreiben: Ub. 2, 3. S. 154, 155. S.Toschew

Sprechen: Sprechen über Nawoi

**10. Thema: Kontrollarbeit(2St.)**

Hören: Hören das gegebene Material

Lesen das gegebene Thema

Schreiben über das gegebene Thema

Sprechen über das gegebene Thema

**II-курс**  
**Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми**

<b>№</b>	<b>Бажариладиган ишлар мазмуни</b>	<b>(Илмий оммабон матн) 1800-2000 босма белги матни</b>	<b>Соат</b>	<b>Вақти</b>
1	Landwirtschaftswissenschaft	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	1-2hafta
2	Das Gebiet Nawoi	Интернет, Г.Усманова,	3	2-3 hafta
3	Das Gebiet Kaschkadarya	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	3-4 hafta
4	Das Gebiet Taschkent.	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	4-5 hafta
5	Der Verkehr	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	5-6 hafta
6	Im Zoo	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	4	6-7 hafta
7	Wirtschaft in Usbekistan	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	7-8hafta
8	Beziehungen zwischen Usbekistan und Deutschland	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	4	8-9 hafta
9	Das Gebiet Fergana	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	4	9-10 hafta
10	Sport und die Jugend	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	4	10-11 hafta
11	Wirtschaft in Usbekistan	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	4	11-12hafta
12	die Sieben Weltwunder	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	12-13 hafta
13	Industrie in Usbekistan	Интернет, Г.Усманова, С.Саидов, З.Б.Тошев	3	14-15 hafta
	Insgesamt		44	

**Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Чет тили фанидан мустақил ишларининг мақсади - талабаларнинг касбий коммуникатив фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг ижодий фаолиятини ўстириш, ва чет тили устида мустақил ишлай олиш малака ва қўнималарини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Ушбу умумий мақсадга эришиш учун қўйидаги бир неча вазифаларни бажариш назарда тутилади:

- талабаларнинг тил тайёргарлик сифатини ошириб бориш, тил ва мутахассислик бўйича адабиётлар устида ишлай олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;
  - ўз касбий билим ва малакаларини кейинчалик мустақил тўлдириб ва янгилаб туриш эктиёжларини яратиш ва сақлаб қолиш, чет тили бўйича яратилган малака ва кўникмаларни ўстириб, ривожлантириб бориш;
  - талаба бажариши керак бўлган ишларни тўғри ташкил қилиш, келиб чиқадиган қийинчиликларни олдиндан била олиш, хис этиш ва уларни бартараф қилиш йўлларини топа олиш.

Дастурнинг информацион – методик таъминоти

Чет тили фанини ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, кичик гурӯҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усулларнинг мавзуга мос танланиши ва қўлланилиши дарс самарасини оширишга катта ҳисса қўшади.

#### **4. Рейтинг баҳолаш тизими**

#### **4.1. Рейтинг назоратижадвали**

Кузги семестр

Назорат тури	Жами			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (амалий машгулот)	17	18	20	55	31
ОН (15%)				15	8
ЯН				30	16
Жами:				100	55

## Баҳорги семестр

Назорат тури	Жами			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (амалий машғулот)	17	18	20	55	31
ОН (15%)				15	8
ЯН				30	16
Жами:				100	55

**“Факультетларо чет тиллар” кафедраси  
“Чет тили” фанидан талабалар билимини баҳолашнинг  
РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (КУЗГИ СЕМЕСТР)**

№		Сентябрь		Октябрь		Ноябрь		Декабрь		январ													
1	ЖН 55%	мустакил таильим	амалий манифүзот	1	2	3	4 - 9	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	45
				1	2	3	3	3	3	2	3	2	3	2	2	3	2	2	2	2	2	10	

<b>2</b>	<b>ОН 15%</b>	<b>ОН</b>		<b>10</b>	<b>10</b>
		<b>Мұстакил тәбділім</b>	<b>3</b>	<b>2</b>	<b>5</b>
<b>3</b>	<b>ЯН (30%)</b>			<b>30</b>	<b>30</b>
	<b>ЖАМИ</b>		<b>55</b>	<b>15</b>	<b>30</b>

(БАХОРГИ СЕМЕСТР)

<b>Баҳо</b>	5	4	3	2
<b>Рейтинг</b>	86-100	71-85	55-70	< 55
<b>Фанни ўзлаштириш</b>	136-158	112-134	87-111	<110
<b>Кўрсатгичлари (1курс.158)</b>				

## **Баҳолаш мезони**

1.1. Берилган сўз ва бирикмаларнинг ёзилиши, таржимаси, уларни оғзаки нутқда ҳамда ёзма нутқда равон қўллай олишига – 2 балл;

- Сўз бирикмаларини оғзаки ҳамда ёзма нутқда қўллаб, ёзилиши ва таржимасида имло ва услубий хатоларга йўл қўйилса – 1 балл;

- Сўз ва бирикмаларнинг талаффуз қилишни, таржимаси ва ёзилиши, оғзаки ва ёзма нутқда қўллашда камчиликларга йўл қўйилса – 0 балл билан баҳоланади.

1.2 Берилган матн ёзилишида имло, грамматик, орфографик хатоларга йўл қўймасдан, тушунарли ёзилган ёзма ишга – 3 балл;

- Матн ёзилишида айрим имло-хатоларга йўл қўйса – 2 балл;

- Ёзишда эътиборсизлик қилиб, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйиб, ёзганларини тушунтиришда камчиликларга йўл қўйса -1 балл;

- Матн ёзилишида имло, грамматик ва орфографик хатоларга йўл қўйса – 0 балл қўйилади.

1.3. Берилган матнларни равон, тутилмасдан, ифодали айтиб, таянч сўз ва бирикмаларнинг барчасини қўллаб, ижобий жавоб берса – 3 балл;

Матнларни сўзлашда жузъий камчиликларга йўл қўйилса, яъни сўз ва сўз бирикмаларининг маълум қисминигина ишлата олмаса – 2 балл;

-матнларни гапиришда қўпол хатоларга йўл қўйиб, таянч сўз ва ибораларнинг ярмидан кўп қисмини нутқда қўлламаса ҳамда талаффузда хатолар қилса-1 балл;

-матнларни гапиришда қўпол ҳатоларга йўл қўйиб, таянч сўз ва ибораларнинг кўп қисмини нутқда қўлламаса ҳамда талаффузда кўп хатолар қилса -0 балл қўйилади.

1.4. 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни тўғри интонация билан ўқиш ва 1,0 академик соатда 1600 белгидан иборат матнни ўқиб берса – 3 балл;

- 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни интонация билан, 1,0 академик соатда мўлжалланган белгидан камроқ ишлатилса ёки талаффузда кичик хатолар билан ўқиб берса – 2 балл;

- 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни 1,0 академик соатда интонация билан, мўлжалланган белгиларни тўлиқ ишлата олмаса ёки нутқий камчиликларга йўл қўйиб ўқиб берса – 1 балл;

- 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни 1,0 академик соатда нотўғри интоннация билан, мўлжалланган белгиларни ишлата олмаса ёки қўпол нутқий камчиликларга йўл қўйиб ўқиб берса – 0 балл қўйилади.

1.5. Талаба матнни ўқиш билан бирга чет тилидан ўзбек (рус) тилига ёки ўзбек (рус) тилидан чет тилига ёзма ва оғзаки таржима қилиш, атамаларни тўғри таржима қила олса, фразеологик бирикмаларнинг ишлатилишига эътибор қарата олса, таржимада сўз бойлигини тўлиқ ишга сола олса, луғатдан имкон қадар кам фойдаланган ҳолда мукаммал бажарса – 3 балл;

- Талаба матнни ўқиши билан бирга чет тилидан ўзбек (рус) тилига ёки ўзбек (рус) тилидан чет тилига ёзма ва оғзаки таржима қилиш, атамаларни имкон қадар таржима қила олса, фразеологик бирикмаларнинг ишлатилишига эътибор қарата олса, таржимада сўз бойлигини ишга сола олса, луғатдан фойдаланган ҳолда мукаммал бажарса – 2 балл;

- Талаба матнни ўқиши билан бирга чет тилидан ўзбек (рус) тилига ёки ўзбек (рус) тилидан чет тилига ёзма ва оғзаки таржима қилишда қийналса, атамаларни таржима қила олса, фразеологик бирикмаларнинг ишлатилишига қисман эътибор қарата олса,

таржимада сўз бойлигини қисман ишга сола олса, луғатдан фойдаланган ҳолда бажарса – 1 балл;

- Талаба матн ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаса, ёзма ва оғзаки таржимани билмаса, атамаларни таржима қила олмаса, фразеологик бирикмаларини билмаса, сўз бойлиги ночор бўлса, луғатдан фойдаланишни билмаса – 0 балл қўйилади.

1.6. – Талаба 3-4 минут тинглаб тушуниш учун 120-140 сўздан иборат матнни ифодали тўлиқ баён этса, матн ичидан талаб қилинган маълумотни ажратиб бера олса- 3 балл;

- Талаба 3-4 минут тинглаб тушуниш учун 120-140 сўздан иборат матнни ифодали баён этиб, айрим талаффуздаги хатоларга йўл қўйса, матн ичидан талаб қилинган маълумотни ажратиб бера олса - 2 балл;

- Талаба 3-4 минут тинглаб тушуниш учун 120-140 сўздан иборат матнни ифодали тўлиқ баён этишда айрим талаффузида ва матн мазмунидаги хатоликларга йўл қўйса, талаб қилинган маълумотни ажратишда қийналса - 1 балл;

- Тинглаб-тушуниш учун берилган матнни мазмун ва моҳиятини тушунмаса, талаб қилинган маълумотни умуман ажратиб бера олмаса - 0 балл қўйилади.

1.7. ТМИлари учун танланган қўшимча адабиёт, ЭЎА, Интернет тармоғи, даврий матбуот ва бошқа аҳборот манбааларнинг мураккаблик даражаси, улар асосида амалга оширилган ишлар (Берилган матннинг режасини тузиш, таянч сўз ва гапларни кўчириб ёзиш, матннинг айрим қисмларини ҳикоя қилиш, ифодали ўқиш, таржима қилиш, ўқиганлар юзасидан сұхбат ўтказишга тайёр бўлиш ва б.к.), машқлар бажариш, сұхбат ёки мунозара ташкил қиласа – 3 балл;

-юқорида қай этилганларнинг барчасини тўлиқ бажариб, уларни оғзаки нутқда баён қилишда камчиликларга йўл қўйиб, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйса – 2 балл;

-ТМИлар учун берилган топшириқларни ёзма бажариб, оғзаки нутқда ўз фикрини баён қилишда қийналса ёки жавоб бера олмаса – 1 балл;

- ТМИ мавзулари умуман бажарилмаса – 0 балл қўйилади.

2.1. Оралиқ назорат 30 та тест саволларидан иборат бўлиб, талабалар компьютерда бажарган хар бир тўғри жавоби учун 1 балл олишади. Тест саволлари намунавий дастур, фан ишчи дастур ва календар-тематик режага мос келиши шарт. Тест саволлари ўз ичига грамматик, лексик, ўқиш кўникмаларига асосланган ҳолда тузилади.

- Тинглаб тушуниш учун берилган топшириқка талаба нотаниш видеоролик, қисқа кадрни томоша қилгач, ўз фикрини инглиз тилида луғатсиз ёзма равишда тўлиқ баён этса, унда имловий, услубий хатолар мавжуд бўлиб, вазифа тўлиқ ёритилган бўлса – 8 баллгача;

- Ёзма иш учун берилган топшириқни бажаришда талаба мавзу хақида батафсил маълумот берса, имловий хатоларга йўл қўйса, мавзу тўлиқ ёритилган бўлса – 8 баллгача;

-Ўқиш учун берилган топшириқни бажаришда талаба топикнинг асосий мазмунини тушунтириб бериши, ўқиш давомида талаффузда хатолар учрамаса – 7 баллгача;

- Гапириш учун берилган топшириқни бажаришда талаба топикнинг асосий мазмунини сўзлаб бериши, гапларни грамматик жиҳатдан тўғри туга олса, сўз бойлигидан унумли фойдалана олса - 7 баллгача баҳоланади.

қўйилади.

3.1 Якуний назорат 4 кўникмани ўз ичига олади: тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш ва гапириш кўникмалари. ОН баҳолаш қуйидаги кўринишда бўлади:

- Тинглаб тушуниш учун берилган топшириққа талаба нотаниш видеоролик, қисқа кадрни томоша қылгач, ўз фикрини инглиз тилида луғатсиз ёзма равишида түлиқ баён этса, унда имловий, услугубий хатолар мавжуд бўлиб, вазифа түлиқ ёритилган бўлса – 8 баллгача;

- Ёзма иш учун берилган топшириқни бажаришда талаба мавзу хақида батафсил маълумот берса, имловий хатоларга йўл қўйса, мавзу тўлиқ ёритилган бўлса – 8 баллгача;

-Ўқиши учун берилган топшириқни бажаришда талаба топикнинг асосий мазмунини тушунтириб бериши, ўқиши давомида талаффузда хатолар учрамаса – 7 баллгача;

- Гапириш учун берилган топшириқни бажаришда талаба топикнинг асосий мазмунини сўзлаб бериши, гапларни грамматик жиҳатдан тўғри туза олса, сўз бойлигидан унумли фойдалана олса - 7 баллгача баҳоланади.

### **Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қўйидаги мезон асосида аниқланади**

Баҳола ш кўрсат	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли амалий билимга эга. Топшириқларни мустақил бажарган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Мавзунинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласи. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	0,5
Яхши, 71-85%	Етарли амалий билимга эга. Топшириқларни бажарган . Берилган саволларга етарли жавоб беради. Мавзунинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласи.	0,4
Коникарли 55-70%	Топшириқларни бажаришга ҳаракат қиласи. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласи. Мавзунинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қиласи.	0,3
Коникарсиз 0-54%	Талаба амалий машғулот дарси мавзусига амалий тфйёрланиб келмаса, мавзу бўйича матн , луғат ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси қоникарсиз баҳоланади	0,2

### **ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР**

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	G.A. Usmanowa va b. Deutsch. Taschkent. “Fan” Verlag 2013	
2.	Абдуллаева А.В. Немис тили. Тошкент, 2009.	5
3.	Сайдов С. Немис тили грамматикаси. Тошкент, 1990.	500
4.	Тошев З. Б. ва бошқалар. Немис тили дарслиги. Тошкент, 1994.	57
5.	“EM - Neu” Max Hueber Verlag, Leipzig, 2000.	-
6.	Delfin Jutta Müller, Thomas Storz, 2001, München.	-

7.	“Tatsachen über Deutschland”. Germaniya. 2000 yil.	-
8.	Tatsachen über Deutschland”. Germaniya. 2006 yil.	2
9.	Wege. Arbeitsbuch, Max Verlag, 2000.	-
10	Themen neu 3. Arbeitsbuch. Kursbuch. Lehrwerk für Deutsch als Fremdsprache. Max Hueber Verlag, 2004.	-

### ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутуб-хонада мавжуд нусхаси
1.	Саттаров М.ва бошқалар. Grammatische Kategorien. Тошкент, 2003.	20
2.	Таникулова К. Ш. Deutsch. Тошкент, 2002.	-
3.	Параманова И.П. и др. Lehrbuch der deutschen Sprache. Ленинград, 1967.	-
4.	Шокирова Н.Ю., Қосимова М.Х. Олмон тилидан мустақил ишлаш. Тошкент, 1991	-
5.	Немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча лугатлар.	5
6.	Deutsche Wortschatzübungen 1 Max Hueber Verlag 1987	-

### ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР ВА АҲБОРОТ МАНБАЛАРИ

№	Муаллиф, номи, тури, йили, хажми, сақланиш жойи, электрон адреси	
1.	<a href="http://www.ziyonet.uz">www.ziyonet.uz</a>	
2.	<a href="http://www.google.de">www.google.de</a>	
3.	<a href="http://www.google.uz">www.google.uz</a>	
4.	<a href="http://www.lingo.de">www.lingo.de</a>	
5.	<a href="http://www.learn-german-online.net/learning-german-resouces/grammatik.htm">http://www.learn-german-online.net/learning-german-resouces/grammatik.htm</a>	
6.	<a href="http://www.vitamiv.de">http://www.vitamiv.de</a>	